

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман**

**МАТЕРИАЛАРИ**

**БУХОРО – 2021**

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2021 йилдаги Республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига кўра Бухоро давлат университетидида 2021 йилнинг 8 октябр куни “**Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари**” мавзусида Республика миқёсида илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

### **МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

**Ҳайитов Ш.А. – БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Бухоро давлат университети ректори,  
иктисод фанлари доктори , профессор

**О.Х.Ҳамидов**

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.

**Ж.Р.Жўраев**

Жаҳон тарихи кафедраси мудир, тарих  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**О.Р.Рашидов**

Жаҳон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

**К.Ж.Рахмонов**

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

**М.З.Орзиев**

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

**Б.Н.Ризаев**

Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, (PhD)

**Ж.Ш.Ҳайитов**

*Тўплаб нашрга тайёрловчилар:*

**К.Ж.Рахмонов** - Жаҳон тарихи кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

**Ш.М.Мирзоев** - Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар**

iqlimlashtirgan. Nafaqat N.Y.Ganzen, ikkinchi bir amerikalik o'simlikshunos olim va ekspert Anter Byorbenk Turkistondan inson uchun foydali va sug'orilmaydigan yerlarda iqlimlashtirishga yaroqli o'simlik ekin turlarini izlagan. Tomir yoyib o'sadigan chorva ozuqasi va kanal bo'ylari, yo'laklarni ko'k maysa bilan qoplashda xizmat qiladigan ajiriq o'simligi o'sadigan hududlar geografiyasi keng bo'lib, Shimoliy Amerika, O'rta va Janubiy yevropa, Janubiy Rossiya, Kavkaz, G'arbiy Osiyo, Turkistonning asosan Kaspiyorti viloyati atroflarida ko'p tarqalgan. N.ye.Ganzen uning urug'ini Janubiy Amerikaga olib ketgan.

O'simlikshunoslik sohasini rivojlantirish maqsadida o'simliklarning bir qator yovvoyi navlari chatishtirish orqali madaniylashtirildi, samarali seleksiya va urug'chilik ishlari olib borildi. Bu sohadagi olib borilgan faoliyatda ijobiy yutuqlar qo'lga kiritilganligini bugungi natijalar tasdiqlaydi. Qishloq xo'jaligini intensiv asosda yo'lga qo'yish, yangi ekin navlarini joriy qilish orqali xomashyo bazasini mustahkamlash maqsadida ekin maydonlarini yaxshilash, gidrotexnik ishlar, metrologik kuzatuvlar olib borishni tizimli ravishda amalga oshirish yo'lga qo'yilmoqda.

Xullas, Yangi ekin navlarining o'lkamizga kirib kelgani, aksincha bizning mintaqadan yer yuzining boshqa o'lkalariga olib borilib iqlimlashtirilgan o'simliklar insoniyatning yer yuzi bo'ylab ko'chishiga bog'liq holda kechgan. Aholi migratsiyasi singari ekin navlari ko'chishlari ham yangicha tadqiqotlar va o'rganilishlarga muhtoj.

## **1914 – 1918 йилларда Россия – Эрон, Россия – Афғонистон чегарасидаги аҳволга доир**

**(Архив ҳужжатлари асосида)**

**Ҳайитов Ш. А. – БухДУ Жаҳон тарихи**

**кафедраси профессори,**

**тарих фанлари доктори**

Биринчи жаҳон уруши даврида ҳали Эрон Англия ва Россиянинг ярим мустамлакаси бўлса, Афғонистон Англия таъсир доирасидаги давлат

ҳисобланарди. Уруш ҳаракатлари асосий мустамлакачи давлатлар: Антанта ва Учлар иттифоқи ўртасида давом этиб, Шарқ мамлакатлари учун мустақилликка эришиш имконияти туғилганди. Бироқ Шарқ мамлакатлари ўзлари учун қулай тарихий вазиятдан фойдалана олмадилар.

Шунга қарамай, Эрон ва Афғонистон сингари мамлакатлар уруш йилларида имкон қадар олдин йўқотилган ҳарбий – сиёсий мавқеларини тиклаб олишга, чегара ҳудудларини мустаҳкамлаш орқали сарбаст бўлишга ҳаракат қилганлари тарихий ҳақиқатдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг “Туркистон район қўриқлаш бўлими” (ТРҚБ – Охранка – Ш. Ҳ.) фондига (И – 461 – фонд, 1, 2 - рўйхатлар) тегишли бўлган “ўта махфий” грифи остида тўпланган материалларни ўрганиш асосида ушбу фикрга келинди. ТРҚБ да хизмат қилган ходимлар турли яширин номлар билан Туркистон минтақаси орқали ўтадиган рус – афғон, рус – форс чегараларидаги воқеалар ҳақида маълумотлар йиғишган. “Сотрудник”, “Воскресенский”, “Случайный”, “Сторожил”, “Шахина”, “Хаджи”, “Русский”, “Афганец”, “Старадубцов”, “Первец”, “Первый”, “Гроденский”, “Бакинский”, “Михайлов”, “Некрасов”, “Рушук”, “Елисоветапольский”, “Заявитель”, “Текинцев”, “Рудницкий”, “Шепкин”, хуллас бу рўйхатни давом эттириш мумкин, каби тахаллуслар билан 1914 – 1918 йилларда шунчалик кўп маълумот тўпланганки, улар архив фондларида бир неча жилдни ташкил этган.

Маълумки, Туркистон генерал – губернаторлигига тегишли бўлган вилоятларда, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги сарҳадларида ўнлаб афғон ва форс фуқаролари истиқомат қилишган. Улар чойхона, карвонсараой, савдо дўконларининг эгалари бўлишган, айримлари айғоқчилик мақсадида ҳам чегара ҳудудларида турли номлар билан фаолият юритишган. Афғон ва форс ҳуқумдорлари уларнинг хизматидан фойдаланганликларига шубҳа йўқ.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Афғонистонда “ёш афғонийлар” ҳаракати авж олган, ушбу ташкилот аъзолари амир Ҳабибуллахон (1901 – 1919

йилларда Афғонистон амири бўлган – Ш. Ҳ) ни мустаққил сиёсат юритишга даъват этишган. Бу ўринда амир Англияга қарши урушга кирган Германиядан ҳарбий мақсадларда қурол – яроғлар сотиб олишга ҳаракат қилган. Уруш давом этаётган бир пайтда амир Ҳабибуллаҳон ўз қўшинини замонавий қурол – яроғлар билан қуроллантирмоқчи бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. “Савдогар Эшхонов Авекар маълумотича, 1915 йил 26 ноябрда Марвга келган афғон зиёлиларидан бири Эрон (Форс) темир йўли орқали Афғонистонга юбориш учун 200 вагон немислардан қурол – яроғлар олинган, тез кунда улар афғон амирининг рухсати билан туяларда Афғонистонга олиб кетилади”- дейилади архив маълумотларида. Юқоридаги маълумот аниқ ёхуд тахмин бўлишидан қатъий назар, афғон амири афғон – эрон, афғон – рус чегараларида ўз қўшинларини тўплаган. Ҳирот ва Зулфигардан Кушкага, Боло – Мурғобдан Тахтабозор чегара постига, Мозори - Шарифдан Керкига қараб афғон қўшинлари ҳаракат қилганлар. “Улар ҳарбий ҳаракатларни ёзда (1915 йил – Ш. Ҳ) яъни чўлда ўт – ўланлар униб чиқиши ва чорва молларига озуқа бўлган пайтда бошлашар экан” – деб маълумот беради “Хон” лақабли рус айғоқчиси.

Уруш йилларида Россия – Германия, Россия – Австро-Венгрия, Россия – Туркия frontiда (умуман Шарқий фронтда) асир олинган зобит ва аскарларнинг анчагина қисми Туркистонга юборилган. Ушбу асирларнинг умумий сони 42 минг нафарга яқин бўлиб, уларнинг миллий таркиби хилма – хил бўлган. Асирлар орасида немис, австрийс, румин, поляк, мадьяр (венгер), яҳудий, турк миллатига мансуб ҳарбийлар бор эди. Улар ҳарбий гарнизонларда, қатъий белгиланган тартибда сақланган. Шунга қарамай Россия империяси маъмурияти ушбу асирлардан мутахассислигига қараб ўз мақсадлари йўлида фойдаланган. Йўл ва темир йўллар қурилиши ҳамда лойиҳалаш ишларида, ўк - дори, қурол – яроғ ишлаб чиқариш ва жанг анжомларини таъмирлашда, тиббиётда, ҳарбий санъатдан ёшларга сабоқ беришда, муҳандислик мақсади кабиларда асирлардан фойдаланганлиги архив ҳужжатларида қайд этилади.

Асирлар масаласига эътиборни қаратишдан кўзланган мақсад шундаки, биз устида мулоҳаза юритаётган мавзуга оид жиҳатларга ҳам бу бир қадар тегишлидир. Афғонистон амири ва Эрон шоҳи Туркистондаги ҳарбий асирларга ҳам қизиқиш билдиришган. Ҳарбий асирларни қочишларига ёрдам бериш орқали улардан фойдаланиб, ўз армиясидагиларга замонавий ҳарбий таълим бериш, қўшинни қуроллантириш имкони туғилади деб ҳисоблаган. “Афғонистон амири Туркистон ва Бухоро амирлигидаги Афғон фуқаролари орқали ҳарбий асирларни асосан зобит ва унтер зобитларни ўз армиясига хизматга чақирган. Уларга юқори маош тўлаш билан боғлиқ ваъдалар берган ” – деб хабар беради архив ҳужжатларидан бири.

Ёки бошқа бир манбада: “Афғонистон ўз армиясини тиббиёт ходимлари ва санитаркалар билан таъминлаш чораларини кўрмоқда. Марвга келган афғонлар австрийс асирлари орасидан ҳамшира ва санитаркалар қидиришмоқда, асирларга юқори маош ва қочиб кетишда ёрдам бериш ваъда қилинмоқда. Бу ишда афғон жамоаси оқсоқолларидан бири, Текин бозорида иккита чойхонага эга бўлган Шерафғон Ҳаётхонов ва исми - шарифи номаълум турк фуқароси воситачилик қилмоқда. Ҳаётхонов ўта эҳтиёткор, айёр киши бўлиб, икки фронтда ҳаракат қила олади. У бир неча австрийс тиббиёт ходими бўлган ҳарбий асирларни Афғонистонга қочирди” – деб маълумот беради.

Афғон ва форс фуқароларининг мададига умид қилган Туркистондаги ҳарбий асирлар рус – афғон, рус – форс чегаралари орқали қочишни авж олдирганлар. Улар Афғонистон ёхуд Эрон орқали Туркияга ўтиш, ундан ўз ватанларига етиб олишни режалаштиришган. Бироқ, бу ҳамма вақт ҳам амалга ошмаган.

1915 – 1916 йилларда Чоржўй шаҳрида 800 нафар ҳарбий асир бўлиб, биргина 1915 йилнинг ноябрь – декабрь ойларида асирларнинг икки бор қочиб кетиш ҳолати қайд этилган. Биринчи бор 16 нафар ҳарбий асир Эронга қочиб кетмоқчи бўлганда уларнинг 2 нафари кўриқчи ва чегарачилар

томонидан отиб ўлдирилган, 14 нафари ушлаб олинган. Иккинчи бор қочган 20 нафар асирлардан 13 нафари ушлаб олингани 7 нафари эса қумликлар орасида ғойиб бўлгани хабар қилинади. Ҳарбий асирларни қўриқлашни кучайтириш уларни афғон ва форс фуқаролари билан учрашиб туришига йўл қўймаслик зарурлиги ҳужжатларда кўп бор таъкидланган . Ҳатто, Чоржўй шаҳри гарнизонида 600 нафар қочоқ ҳарбий асирлар махсус қўриқланадиган алоҳида биноларда қатъий назоратда сақланган.

Афғон ва форс фуқаролари қочоқларни Эрон ва Афғонистон йўллари, ҳамда чегара ҳудудлар туширилган махсус хариталар билан таъминлашган. Ҳужжатлардан бирида: “Қочиш жараёни ҳамон давом этмоқда. Румин ва мадьяр ҳарбий асирлари орасида қочиш кайфияти кучли, улар иссиқ кунлар келиши ва назорат сусайишини кутишмоқда. Қочмоқчи бўлганларнинг қўлида форс (Эрон) га ўтадиган йўллар харитаси мавжуд ” – деб хабар қилинади. Афғон ва Форс фуқаролари қочишга чоғланган ҳарбий асирларни озиқ – овқат, кийим – кечак билан таъминлаганлар. Ҳатто, ўзлари эгалик қилиб турган карвонсаройларга дам олиш учун қўнган карвонларга яширин равишда уларни қўшиб юбориш ҳоллари ҳам кузатилади. Ашхобод шаҳри қидирув пункти нозирининг 1915 йил 13 мартдаги махфий хатида: “Венгер ва немис асирлари (9 – рота 18 – полк – Ш. Ҳ) Самарқандга кўчирилишларидан хабардор бўлишган. Улар аллақачон йўлдаёқ қочиб қолиш режасини тузишган. Ҳарбий асирлар шаҳардаги ишларга бўшанг конвой билан юборилмоқда. Шунинг учун улар форс ва афғонлардан қочиш учун керакли маълумотларни олишмоқда. Ишдан қайтган ҳарбий асирлардан Эрон харитаси топилмоқда” – каби маълумотлар келтирилади.

Ашхобод шаҳрида карвонсарой ва савдо дўкони очган форс фуқаролари Аббос Али, кассоблар Машҳади – Қ. Жафаров, Жонсоат, Ҳайдар Алиев, чойхоначи Иброҳим Бобоев кабилар немис ва румин асирларига қочишлари учун амалий ёрдам кўрсатишган.

ТРҚБ хизматчилари тўплаган маълумотларда ҳарбий асирлар сақланаётган шаҳар ва аҳоли марказларидаги рус маъмурлари полисмейстрлар форс ва афғон бадавлат фуқаролари томонидан сотиб олинганлиги, улар ҳарбий асирларни назорат қилишни бўшаштирганликлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам мавжуд. Бу эса мустамлакачилик сиёсати ижрочиларини ўз вазифаларига ҳамма вақт ҳам сидқидилдан ёндашиб иш кўрмаганлигини кўрсатади. Афғон фуқаролари томонидан тарқатилган айрим хабарларда Афғонистон амири Россияга қарши уруш бошлаши билан боғлиқ фикрлар келтирилади. Аслида бу Россиянинг 1915 – 1916 йиллардаги ҳарбий мувоффақиятсизликлари ортидан келиб чиққан шунчаки шов – шувли гап ва сўзлар бўлган. Чунки Афғонистон Россияга қарши ҳарбий ҳаракатлар қилиш даражасидаги тайёргарликка, куч – қудратга эга эмасди. Шунинг учун Афғонистон амири унинг мамлакатада ҳарбий тайёргарлик етарли эмаслиги, юк ташувчи (курол - яроғ) туялар етишмаслиги, молиявий тақчиллик мавжудлигини эътироф этиб, “Афғонлар ўзгалар ерида ўзининг тоза қўлларини совуқ сувда ювмайди” – деган эди.

Хуллас, биринчи жаҳон уруши йилларида Россия империясининг Туркистон минтақаси орқали ўтган рус – афғон, рус – форс чегараларида уруш ҳолати натижасида келиб чиқадиган сиёсий воқеликлар кечган эди. Уруш туфайли вужудга келган сиёсий беқарорлик Афғонистон ва Эрон ҳукумдорларини ҳам ташвишга солган. Улар ўз мавқеларини тиклаш учун бир қатор чора – тадбирлар кўришган. Бу ўринда Туркистон шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилган афғон ва форс фуқаролари воситачилиги ҳамда хизматидан фойдаланилди. Бироқ, бу кутилган натижалар бермади. Россия империяси айғоқчилиги хориж фуқароларининг ҳатти - ҳаракатини сергаклик билан кузатиб борди. Ҳарбий асирлардан фойдаланиш режаси кутилган натижа бермади.



## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
Абдуллаев Диёржон. Жахон цивилизацияси ҳамда Марказий Осиё халқлари ҳаётида мукофотлаш анъанаси, тарихий босқичлари ва уларнинг аҳамияти.....	5
Абдурасулов Шохрух. Ислом цивилизацияси ва Тошкент олимлари....	11
Азимов Хуршид. Қадимги Хитой манбаларида Марказий Осиё атамаси ва унинг таҳлили.....	15
Айматова Зарнигор. Ўрта Осиё мусулмонларнинг ҳаж зиёрати йўналишлари тарихидан (XIX аср охири XX аср бошларида).....	18
Акрамов Достон. Совет ҳокимиятининг “маданий инқилоби” ва унинг Ўзбекистон илмий ҳаётига таъсири.....	22
Аҳмадов Олимжон. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти.....	26
Аҳмадов Хуршид. Осиё халқларида металсозлик ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	31
Аҳмадов Ҳумоюн. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг Буюк Британия билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши.....	35
Бақоев Умиджон.Оле Олуфсен тадқиқотларида Бухоро амирларининг саройлари.....	39
Бобожонова Феруза. Бухоро мадрасалари тарихининг мустақиллик йилларида тарихшунослик масалалари.....	43
Болтаев Бобур. По пути к реформам музейного дела в Узбекистане .....	47
Дармонова Машҳура. Тошкент шаҳар марказий давлат архивидаги ижтимоий-маданий ҳаётга оид жамғармалар таҳлили.....	52
Джураев Шодмон, Муртазоев Шахоб. Некоторые черты развития современной философии.....	56
Жамолова Дилноза. Домла Икромнинг “Машхур бидъатлар баёни” асарида Бухоро жамиятидаги муаммолар таҳлили .....	60
Жамолова Мафтуна. Абдурауф Фитратнинг жадидчилик ғоялари.....	67

Жумаева Нилуфар. Мусулмон ренессанси – Шарқ тамаддуни жавохир....	72
Зойиров Фирдавс. Ўзбекистон - Ҳиндистон: ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва узок муддатли истиқбол.....	76
Ибрагимов Рахмон. Чирчиқ микровоҳасининг антропоген ўзлаштириш тарихидан.....	81
Иноятов Сулаймон. Жаҳоний шуҳрат соҳиби бўлган жадидлар сардори.....	86
Йўлдашев Абдували. XX аср бошларида Туркистон ёшларининг Туркияда таълим олишига доир.....	92
Йўлдошев Акмал. Марказий Осиёдаги ўзбекларининг матбуот органлари фаолияти.....	97
Каримов Сухроббек. Краткий обзор на взаимоотношения Узбекистана и движения “Талибан”, на фоне захвата талибами власти в Афганистане в 2021 году.....	101
Каримова Феруза. Дунё илмида “Авесто” ва олов култига алоқадор қарашларнинг этник ва анимистик талқинлари.....	105
Қаюмов Тошпўлот. Умумтаълим мактабларида гуманитар фанларни ўқитишда хорижий нашрлардан фойдаланишнинг педагогик аҳамияти.....	107
Қудратов Шуҳрат. Бухоро амирлигининг Европа ва Америка мамлакатлари билан савдо алоқалари.....	111
Мажидов Жўрабек. Совет ҳукумати йилларида Бухорода автотранспорт муаммолари.....	116
Мамахонова Нуразимхон. Ўзбекистон – Германия: самарали алоқаларнинг кенг истиқболлари.....	122
Махмудов Акмал. Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва турк сиёсий арбоблари.....	127
Мирзааҳмедова Гулшаной. Қўқон матбаа мактаби ва унинг тарихимизда тутган ўрни хусусида.....	130
Мирзаев Гулом. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида “Марказий Осиё руҳи”..	139
Ўрзоев Шарифжон. БХСР-Туркия Республикаси ҳамкорлик масалалари	

<b>рихидан .....</b>	<b>145</b>
<b>Муродова Дилрабо. XX асрнинг 30-йилларида Бухоро давлат педагогика институти фаолияти.....</b>	<b>150</b>
<b>Назарова Саодат. Муҳиддин Қори Ёқубов - ўзбек сахна санъатини жаҳонга танитган санъаткор.....</b>	<b>155</b>
<b>Оstonов Жаҳонгир. XX асрнинг 20 йилларида Афғонистон ва Бухоро алоқалари.....</b>	<b>159</b>
<b>Охунжонова Шаходат. Тошкент савдогарларининг ҳорижий мамлакатларга савдо сафарларининг ютуқ ва муаммолари (1991-2020 йиллар).....</b>	<b>163</b>
<b>Очилов Фаррух. Европа антикшунослиги масаласи – жаҳон тарихининг долзарб муаммоси сифатида.....</b>	<b>169</b>
<b>Равшанов Шербек. Туркистонга Россия империяси аҳолиси миграциясининг ижтимоий тарихи.....</b>	<b>173</b>
<b>Ражабов Қаҳрамон. Жаҳон мамлакатларининг классификацияси.....</b>	<b>177</b>
<b>Ражабов Ойбек. Бухоролик ўрта аср исломшунос олимлар.....</b>	<b>185</b>
<b>Раҳматов Рамшод. Сибир хонлигининг Бухоро билан иқтисодий алоқалар тарихи.....</b>	<b>189</b>
<b>Раҳмонов Камол. Афғонистоннинг XX аср 20-йиллари даври тарихини ўрганишга доир айрим мулоҳазалар .....</b>	<b>192</b>
<b>Рашидов Ойбек. Ўзбекистонда миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонида кураши мавзусининг манбашунослиги таҳлили.....</b>	<b>197</b>
<b>Рашидов Ойбек. СССРда Сталин қатағонларининг бошланиши.....</b>	<b>203</b>
<b>Ризаев Бахтиёр. Усманийлар империясининг кўчириш сиёсатига доир мулоҳазалар (XVI-XX аср бошлари).....</b>	<b>207</b>
<b>Самадова Кимёнисо. Бухоро атрофидаги “Канпирак девори” тарихи хусусида.....</b>	<b>212</b>
<b>Саъдуллаева Вазира. “Бухоро амири хазратларининг кундалиги” асари асосида Россияда таълим масалалари.....</b>	<b>217</b>
<b>Тўраев Анвар. Бухоро туркманлари билан боғлиқ жой номлари</b>	

**таҳлили.....221**

**Ўтаева Феруза. Бухоро тарихини ўрганишда археологик тадқиқотларни ўрни.225**

**Ҳайдарова Ҳанифа. Носир Хисравнинг жаҳон фалсафасидаги ахлоқий ғоялар228**

**Ҳайитов Жаҳонгир. Жаҳондаги миграция жараёнларининг экин навларини тарқалишига таъсири.....232**

**Ҳайитов Шодмон. 1914 – 1918 йилларда Россия – Эрон, Россия – Афғонистон чегарасидаги аҳволга доир (архив хужжатлари асосида).....236**

**Ҳакимова Гулноза. Бухоро амирлиги таркибига кирувчи Жанубий Туркистондаги ўзбек бекликларининг сиёсий ҳаётига бир назар.....241**

**Халилова Зилола. XX асрда хорижий шарқ мамлакатларида таълим ислохотлари ва унинг Марказий Осиёга таъсири .....246**

**Ҳамроев Дилмурод. Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг расмий матбуотда ёритилиши .....253**

**Ҳасанов Камолиддин. Ўзбекистон ва Туркия абадий дўстлик сари.....256**

**Шарипов Умид. Дунёвий бошланғич таълимнинг вужудга келиши тарихига бир назар. ....260**

**Элова Дилноза. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга янги ҳарбий қурол – яроғларнинг кириб келиши тарихи.....263**

**Эргашев Ақобир. “Осор ул бокия” асарида халқ таквимлари.....268**

**Эрназаров Шермуҳаммад. “Цивилизация” тушунчаси хусусида айрим мулоҳазалар.....270**

**Юсупова Манзура. Сайёҳлар томонидан Бухоро воҳаси маросим таомларининг ўрганилиши.....274**

